

Ашуро рўзаси Муҳаррам ойининг қайси кунлари тугилади?



09:39 / 14.07.2024 12025

Бугун ҳижрий 1446 йил, 8 муҳаррам | милодий 2024 йил 14 июл.

Ҳакам ибн Аъраж розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Ибн Аббоснинг ҳузурига бордим, у киши Замзам олдида ридоси устида ёнбошлаб ётган экан: «Менга Ашуро рўзаси ҳақида айтиб беринг», дедим. «Муҳаррамнинг ҳилолини кўрсанг, санаб бор. Тўққизинчи куни рўза тутган ҳолда тонг оттир», деди. «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг рўзасини шундай тутармидилар?» дедим. «Ҳа», деди».

Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Насоийлар ривоят қилишган.

Ибн Аббос розияллоху анхумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам Ашуро рўзасини ўнинчи кунни тутишга амр қилдилар».

Термизий ривоят қилган ва саҳиҳ, деган.

Ибн Аббос розияллоху анхумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «Ашуро кунни рўзасини тутинглар. Унда яҳудиларга хилоф қилинганлар, ундан олдин бир кун ёки ундан кейин бир кун рўза тутинглар», дедилар».

Аҳмад ривоят қилган.

Изоҳ: Ушбу ривоятлардан чиқадиган умумий хулоса қўйидагича.

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам Ашуро рўзасини Муҳаррамнинг ўнинчи кунда тутишга амр қилганлар, ўзлари ҳам тутганлар.

Яҳудий ва насоролар бу кунни улуғлашларини билиб қолганларидан кейин ўнинчи кунга тўққизинчи кунни ҳам қўшиб тутишга қарор қилдилар. Лекин ўзлари бу ишни қилмай туриб, вафот этдилар.

Ибн Аббос розияллоху анхумонинг Ҳакам ибн Аъраж розияллоху анхунинг саволига жавобан «Тўққизинчи кунни рўза тутган ҳолингда тонг оттир», деганлари Муҳаррам ойининг тўққизинчи ва ўнинчи кунлари рўзасини тутиш керак, деганидир. Шунинг учун уламолар Ашуро рўзасининг афзали Муҳаррамнинг 9, 10, 11 ёки 9, 10 ёки 10, 11-кунларини рўзасини тутишдир.